O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 13-aprel, chorshanba ● № 15 (715) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

# Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

## Чоршанбадан чоршанбагача

■ **7 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.**

■ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ташаббуси билан қуйи палатада Олий Мажлис Сенати ҳамда Адлия вазирлиги ҳамкорлигида «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари» мавзуида матбуот конференцияси ўтказилди.

■ **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2011 йил биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

■ 7 апрель куни Тошкент шаҳрида ташқи ишлар вазирлари даражасида навбатдаги «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» учрашуви бўлиб ўтди. Унда Европа Иттифоқи кенгашида раислик қилаётган Венгрия ташқи ишлар вазири Янош Мартони, Европа Иттифоқининг ривожланиш бўйича комиссари Андрис Пиебалгс ва Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Пьер Морель, шунингдек, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ташқи сиёсат маҳкамаларининг раҳбарлари иштирок этди.

■ **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди.**



«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



Инқирозга қарши чоралар дастури — амалда

## ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР КЎПАЙМОҚДА

*Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг қўллаб-қувватланаётгани, уларга кенг имконият ва имтиёзлар яратиб берилаётгани ҳамда шаклланган қулай инвестицион муҳит ўз самарасини бермоқда.*

Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланаётганида, импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотлари билан ички ва ташқи бозорга дадил кириб бораётган корхоналар сафи кенгайиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда.

Наманган вилояти Чуст туманида фаолият кўрсатаётган "Styletextile" масъулияти чекланган жамияти замонавий тикувчилик технологияси билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда тайёрланаётган трикотаж маҳсулотларининг катта қисми экспорт қилинмоқда.

— Тошкент, Москва, Киев шаҳарларида маркетинг гуруҳларимиз иш олиб бормоқда, — дейди корхона раҳбари Дилшод Исматуллаев. — Маҳсулотларимизга Россия ва Украина давлатларида, айниқса, талаб катта.

"Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган трикотаж кийим-кечаклар юқори сифати, дизайни билан тобора харидоргир бўлиб бораётир. Ўтган йили корхона 2 миллион 523 минг АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилди. Жорий йилда бу кўрсаткич янада юқори бўлиши кутилмоқда. Чунки январь ойининг ўзида экспорт ҳажми 191 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августда қабул қилинган "2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йили жамият томонидан "Барион" акциядорлик жамияти ҳудудида бўш турган иншоотда реконструкция ишлари бажарилиб, янги цех ташкил қилинди ва у замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланди.

Экспорт салоҳиятининг ортиб бориши корхонада ишловчиларнинг меҳнат ва маиший шароитини яхшилаш, манфаатдорлигини ошириш имкониятини бермоқда.

Корхонада меҳнат қилаётган 370 кишининг асосий қисмини касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этади.

**Суратда:** *уста Маъмура Шарипова.*

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат**

## ХАЛҚИМ МЕНГА ЖОНДАН ЯХШИРОҚ

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида Қорақалпоғистон заминида умрбод эсдан чиқмайдиган ишлар амалга оширилди. Мустақиллигимизнинг 20 йили эса ана шу мангулик йўлига қурилган баланд ва мустаҳкам зинапоядир. Бу зинапоялардан юриш бизнинг авлодимизга насиб этган. Улар халқини, Президентини жондан ортиқ кўрувчи авлод.



3-бет

## ҚОРА ЛАЙЛАКНИ КЎРГАНМИСИЗ?

Афсус, қора лайлак тугул, оқ лайлакни кўриш ҳам йилдан-йилга қийинлашиб бораяпти. Болалигимизда баланд-баланд чинорлар кўп бўларди. Уларга ин қуриб, бола очган лайлакларнинг узун чуммакларини таккиллатишлари қишлоқнинг у четидан бу четига эшитилиб турарди. Тумшуғида илон кўтариб кетаётган лайлакни кўрганимизда эса орқасидан чопганимиз-чопган эди.



6-бет

## КЎПКАРИ-ГАШТАКЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Яна ҳам қувонарлиси, ёшларимиз, шаҳарда ўсган йигитлар миллий от спорти — кўпкари, улоқ билан қизиқиб қолишган. Мана, яна бир миллий одатимиз — кўпкарига кирган от учун гаштак-улоқ бериш кўп йиллардан буён унутилиб кетган эди.



8-бет

✔ Концепция: ғоя, мақсад ва вазифалар

## Сайлов — фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили

Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Юртбошимиз Ислом Каримов ҳам ўтган йилнинг 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида маҳалла институтини замонавий босқичда ривожлантиришнинг бир қатор йўналишларини кўрсатиб ўтдилар. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, маҳалла институтининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш, аҳолини аниқ мақсад сари йўналтириш орқали маҳаллани ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш модернизация асосларидан ҳисобланади. Бундан ташқари, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш зарур. "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштиришда маҳалла фуқаролари орасидан муносиблари оқсоқол ва унинг маслаҳатчисини сайлашга катта аҳамият берилади. Фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтириш учун маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирлар асосан ана шулардан иборат.

Юртбошимиз томонидан эътироф этилган маҳалла институтини замонавий босқичда ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

2 »

Бугун ривожланган давлатлар тажрибасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг энг самарали воситаси, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириб боришнинг муҳим омили сифатида эътироф этилмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар натижасида ушбу соҳа вакилларининг нуфузи ва салоҳияти тобора ортиб бормоқда. Жорий йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши эса, шубҳасиз, уларга берилган имкониятлар кўламини янада кенгайтирди.

## ТАДБИРКОР МАНФААТИ МУҲОФАЗАСИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиёти ривожи ва фаровонлигининг асосий таянчларидан бири бўлиб, у ҳамиша давлат ҳимоясидадир

Тадбиркорликни ривожлантириш ҳамма даврларда жамият равнақи, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда барқарор иқтисодиётни яратишга хизмат қилган. Зеро, тадбиркори бой халқ, албатта фаровонликда яшайди. Шу боис, тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш департамент органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни, давлатимиз раҳбарининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" Фармони,

2 »

✔ Танлов давом этади

## "Ватан учун яшайлик!"

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб она-диёримизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлидаги улуғвор янгиланишлар, замондошларимизнинг ёрқин сиймолари ўз аксини топган, юксак маҳорат билан ёзилган энг сара бадиий-публицистик мақолалар, очерклар, насрий ва шеърий йўналишдаги энг яхши асарларнинг **"Ватан учун яшайлик!"** номли танловини эълон қилади.

Танловга фидойи замондошларимизнинг фидокорона меҳнати, заҳматкаш халқимиз амалга ошираётган залворли бунёдкорлик ишлари, ижтимоий ҳаётимиз, маърифат ва маънавиятимиздаги оламшумул ўзгаришлар, юртимиз ободлиги, миллий қадриятларимиз ва ёш авлод камоли, миллий ғурур ва ифтихор, Ватан туйғуси, Истиқлол ғоялари жонли ҳаётий мисоллар, теран фикр-мулоҳазалар ёрдамида тараннум этилган, Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишланган, республика вақтли матбуоти, адабий нашрларда ёки китоб ҳолида чоп этилган бадиий-публицистик мақолалар, очерклар, насрий ва шеърий йўналишдаги асарлар тақдим этилади.

Танловга тақдим этиладиган асарлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида (Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16-а бино. Телефон: 227-08-27, 227-08-30) 2011 йилнинг 1 августига қадар қабул қилинади ва нуфузли танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

**ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ:**

***Бош мукофот*** — энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида;

***Битта биринчи ўрин*** — энг кам иш ҳақининг 75 баравари миқдорида;

***Иккита иккинчи ўрин*** — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида;

***Учта учинчи мукофот*** — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида.

Шунингдек, *ҳар бири энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида бешта рағбатлантирувчи пул мукофотлари билан тақдирланадилар.*

Танлов ғолиблари Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида эълон қилинади.

Танлов ғолибларининг асарлари алоҳида китоб ҳолида чоп этилади.

Ижодий танловга марҳамат, азиз ҳамкасблар!

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**

# Сайлов — фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили

(Бошланиши 1-бетда.)

— сайловнинг вакиллик асосида ўтиши унинг энг муҳим хусусияти бўлиб ҳисобланади. Яъни, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланади;

— фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларнинг тузилиши ва демократик асосда ўз ваколатларини амалга оширади;

— фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади;

— фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчиларининг миқдорий таркиби ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳаларда вакилликни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини томонидан белгиланади;

— фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади, овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади ва ҳоказо.

Шу ўринда мазкур сайловларни тартибга солиб турувчи мамлакатимиз қонун ҳужжатларининг универсал ҳамда минтақавий аҳамиятга эга бўлган халқаро стандартларга мослиги эътиборни қаратиш муҳимдир.

Ўзини ўзи бошқариш институтини шакллантиришда хорижий тажрибани ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, бу борада катта назарий ва амалий тажрибага эга Францияда ўзини ўзи бошқаришнинг асосини "коммуна"лар ташкил қилади. (Францияда 36 мингдан ортиқ коммуналар мавжуд). Мазкур коммунанинг олий органи муниципал кенгаш бўлиб, умумий сайлов орқали тўғридан-тўғри 6 йил муддатга сайланади. Муниципал маслаҳатчилар маҳаллий аҳолининг умумий сонига қараб 9 кишидан 69 кишигача бўлади. Муниципал кенгашларга сайланган шахслар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади. Мазкур давлатдаги коммуналарда аҳолининг сонига қараб муниципал кенгаш аъзоларини сайлашнинг икки тури қўлланилади. Коммуналарда аҳолиси 3500 дан кам бўлган ҳудудларда сайловлар можоритар тизими бўйича икки босқичда ўтади. 3500 ва ундан аҳолиси кўп бўлган коммуналарда сайловнинг можоритар ва пропорционал тизим бирга қўшилиб ўтказилади.

Германияда эса, ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирлиги, шаҳар ва қишлоқларда мавжуд бўлган "община"лар ташкил қилади. Германиянинг бутун ҳудуди 12 мингдан ортиқ общиналардан иборат бўлиб, таркибига бир неча общиналарни оладиган — қишлоқ-туманлари, аҳолиси 100 минг кишидан кўп ҳамда туманларга бўйсунмайдиган — шаҳар-туманлари ва катта шаҳарларни ташкил қилади.

Ойдинлик киритилаётган масала юзасидан хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилганда, давлатимиз раҳбари томонидан "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да илгари сурилган масала юзасидан айрим хорижий мамлакат экспертлари ўз фикрларини билдириб ўтганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Жумладан, «Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти президенти Вольфганг Шрайбер: «Маҳалла — Ўзбекистон фуқаролик жамиятининг ноёб институтидир. Маҳалла ўз фаолиятида одамларнинг ўй-фикрлари, орзу-истакларини ва манфаатларини ифодалайди. У халқнинг ўзига хос овози ҳисобланади. Мамлакатингиз Президентининг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси фуқаролик жамиятини ривожлантиришда янги ва кучли омил бўлади. Мамлакатингизда маҳаллаларнинг роли янада ошади» дея таъкидлашининг ўзи ҳам бевосита фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини такомиллаштиришга хизмат қилади.



Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини такомиллаштиришга доир қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдириш мақсадга мувофиқ:

**Биринчидан,** фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига ташкилотчилик қобилиятига эга, ҳалол, билимдон, тажрибали ҳамда аҳоли ўртасида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган кишилар сайланиши муҳимдир. Ана шундай кишиларни аниқлаш мақсадида айрим жойларда маҳалла аҳли ўртасида олдиндан ижтимоий сўров ўтказиш маъқул бўлар эди. Номзодлар сиёсат, иқтисодиёт ва ҳуқуқ масалаларини яхши билиши, янгича фикрловчи кишилар бўлмоғи даркор. Ушбу лавозимларга фақат ёши катта кишилар эмас, балки катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ташаббускор ёшлар ҳам номзод қилиб кўрсатилмоғи лозим. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган мураккаб масъулиятли вазифаларни ҳал этиш, аҳоли билан ишлашга шайлиги ва уларни ўз ортидан эргаштира олиш маҳорати номзодларнинг асосий хислати бўлмоғи керак.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи тузилиши кўрсатиб ўтилган. Лекин ишчи гуруҳининг таркибини шакллантириш механизми, ишчи гуруҳ таркибига аъзоларининг киритилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланмаган. Қонунчиликдаги мазкур бўшлиқ, аввало, номзодларни кўрсатиш ва сайловни ўтказишда ҳар хил англашилмовчиликка олиб келиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, қонунда ишчи гуруҳ таркибини шакллантириш тартиби аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

**Учинчидан,** маълумки, умумэътироф этилган ҳуқуқий нормаларга асосан суд ҳукми билан озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг сайловларда иштирок этиши чекланади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуни 4-моддаси учинчи қисмини "Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиши мумкин эмас" тарзда баён этиш мақсадга мувофиқ.

**Тўртинчидан,** Қонунда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларни кўрсатиш тартибининг аниқ механизми белгиланмаган. Қонуннинг 12 ва 14-моддаларида тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлаш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ зиммасига юклатилган. Лекин ишчи гуруҳга номзод ким томонидан киритилиши, тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг номзод ҳақидаги фикри қандай ўрганилиши ҳақидаги масалалар очиқ қолган. Бу қонун нормасини турлича талқин қилиш, номзодларни аҳоли билан келишмасдан тор доирадаги шахслар томонидан кўрсатилиши ҳолатларига сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини такомиллаштирилиши мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги, "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" принципини амалга оширишдаги ролини янада кучайтиришга олиб келувчи яна бир мантиқий қадам бўлиб хизмат қилади.

**Зокир ЯКУБОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими**

# ТАДБИРКОР МАНФААТИ МУҲОФАЗАСИ

## Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиёти ривожи ва фаровонлигининг асосий таянчларидан бири бўлиб, у ҳамиша давлат ҳимоясидадир

(Бошланиши 1-бетда.)

"Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва шу йил 4 апрелда эълон қилинган "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда соҳа ривожига оид бошқа қатор меъёрий ҳужжатлар тадбиркорлик субъектларининг эмин-эркин фаолият кўрсатишига замин яратмоқда. Хусусан, сўнгги Фармон "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурига мувофиқ давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартиришда жуда катта ўрин тутади. Жумладан, унда белгиланганидек, бундан буён текширишларни ташкил этиш янада такомиллашади. Мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлик даражаси кучаяди. Натижада тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари муҳофазаси мустаҳкамланади.

Аслини олганда, тадбиркорнинг йўлига ғов бўлиш, фаолиятига асоссиз аралашиш каби салбий ҳолатларни нафақат тадбиркорликка, балки тараққиётимизга қарши ҳаракат, деб баҳоласак, тўғри бўлади. Афсуски, буни тўлиқ англаб етмай, хизмат вазифаларини суиистеъмол қилиб, таъмагирлик, ўзбошимчаликка йўл қўяётган мансабдор шахслар ҳам учрайди. Ўтказилган назорат тадбирларида жойлардаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг айрим мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш, уларга турли бюрократик тўсиқлар яратиш, фаолиятига асоссиз аралашиш каби қонунбузарликларга йўл қўйганлиги кузатилган ва уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилган.

Ўтган 2010 йил давомида бўлимимизга фуқаролар ва юридик шахслардан ана шу мазмундаги 108 та шикоят ва аризалар келиб тушди. Мурожаатларнинг барчаси атрофлича ўрганиб чиқилди ва тегишли тартибда ҳал этилди. Департамент марказий маҳкамаси қошида ташкил этилган 233-84-20 рақамли "Ишонч телефони" ҳам тадбиркорларимизга ўз ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишлари учун хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, бугун тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтиш, тегишли органларга ҳисобот топшириш жараёнлари соддалаштирилди. Уларга мақсадли ва асосли бизнес лойиҳалари учун кредит таъминоти муаммо бўлмай қолди. Солиқ юки йилдан-йилга енгиллашиб, қонунчилигимизда тадбиркорлар учун талай имтиёзлар берилмоқда. Назорат органларининг тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашуви қатъий тақиқланган. Қисқаси, юртимизда ҳалол ишбилармонлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шунга қарамай, айрим салбий жиҳатлар ҳам кўзга ташланадики, бунга асосан тадбиркорлик билан шуғулланувчи аксарият шахсларда иқтисодий билим ва кўникмаларнинг етарли даражада эмаслиги, баъзан эса уларнинг молия-хўжалик соҳасидаги ноқонуний хатти-ҳаракатларга атайин қўл уришаётгани сабаб бўлмоқда.

Аммо яратилаётган қулай шарт-шароитлардан ўз манфаатларини кўзлаб тезроқ бойиш истаги устунлик қилиб, жиноятга қўл уриш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, департамент ходимлари томонидан 2010 йилда республика бўйича ўтказилган тезкор тадбирлар давомида 4529 та иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятлар фош этилиб, давлат бюджетига 282,8 миллиард сўм қўшимча маблағлар ҳисобланди ҳамда 97,8 миллиард сўми ундирилиши таъминланди. Хусусан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашга оид 1505 та ҳолат бўйича тегишли қонуний чоралар кўрилди. Мисол учун, "Risling star" МЧЖ мансабдор шахслари бир неча хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро тил бириктирган ҳолда, қурилиш ишлари учун сохта ёрдамчи пудрат шартномаларини расмийлаштириб, уларнинг ҳисоб-рақамларига бюджетдан ажратилган 275,2 миллион сўм маблағни ўтказиб бериш йўли билан 22 миллион сўмлик солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлагани аниқланган.

Бундан ташқари, хуфёна иқтисодиётга қарши курашиш, ишлаб чиқарувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом рақобат муҳитини кучайтириш ва сифатсиз маҳсулотларнинг ички бозорга кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида мунтазам тадбирлар ўтказиб келиняпти. Бу тадбирларда 707 нафар яширин ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятига барҳам берилди. Улардан 1337,0 миллион сўмлик маҳсулот, хомашё ва ишлаб чиқариш ускуналари олиб қўйилди.

Коррупция ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган тадбирларда маҳаллий ҳокимият, солиқ, банк ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат органлари ходимлари томонидан жами 473 та жиноят содир этилгани аниқланди. Шундан 89 таси давлат ва хўжалик бошқарувининг турли соҳаларида масъул лавозимларда ишлаётган шахсларнинг таъмагирлик йўли билан пора олганлик ҳолатларидир.

Департамент органлари томонидан сифатсиз ва қалбаки дори-дармон воситалари савдоси билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ишлари изчил давом эттирилиб, 49 та жиноят иши қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 265,4 миллион сўмлик фармацевтика маҳсулотлари мусодара қилинди. Масалан, Департаментнинг Юнусобод туман бўлими ходимлари ўтказган тадбирда фуқаро М.Ханова хорижда ишлаб чиқарилган ва инсон саломатлиги учун хавфли бўлган 13,8 миллион сўмлик дори воситаларини сотиш мақсадида олиб кетаётгани аниқланиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Худди шундай, ноқонуний даромад орттириш мақсадида ташкил қилинган, молиявий пирамида усулида фаолият юритган "Yang Chans Asian" МЧЖ мансабдор шахслари эса маҳсулотларни сотишга жалб қилинган фуқаролар ёрдамида 2008-2010 йилларда одамларни алдаш йўли билан Хитойда ишлаб чиқарилган, сифат сертификати бўлмаган ҳамда айланма йўллар орқали республика ҳудудига олиб кирилган биологик қўшимчалар ва бошқа дори-дармон воситаларини сотиш билан шуғулланиб келганлар. Савдодан тушган 4,2 миллиард сўмни НКМдан ўтказмасдан, банкдаги ҳисоб-рақамига топширмаганлар. Шу билан бирга, улар тармоқли бизнес ва маркетинг сирлари ниқоби остида фуқароларнинг онги ва психологиясига таъсир кўрсатувчи китоблар, реклама буклетлари, лазерли дисклар чиқариш ҳамда турли хил намойишларни ташкил қилиш билан тармоққа жалб қилинган шахслардан 417,0 миллион сўм йиғиб олганлар.

Мазкур жамиятнинг фаолияти юзасидан ўтказилган ҳужжатли текширувда давлат бюджетига қўшимча 2,8 миллиард сўм солиқлар ҳисобланди.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг энг муҳим омили, аввало, уларнинг ҳуқуқий савиясини оширишдир. Бу борада ходимларимиз жойларда бевосита тадбиркорлар иштирокида ҳуқуқий-тарғибот тадбирларини ўтказиб, уларнинг муаммо ва қизиқишлари билан яқиндан ўртоқлашмоқдалар. Бу саъй-ҳаракатлар қонуний тадбиркорликни носоғлом рақобатдан ҳимоя қилиш, тадбиркорларнинг соҳага оид билим ва кўникмаларини ошириш, пировардида, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга хизмат қилади. Зеро, қонунга итоаткор тадбиркор иқтисодиётимиз ривожи ва фуқароларимизнинг фаровон турмуш кечиришининг асосий таянчларидан бири бўлиб, у ҳамиша давлат ҳимоясидадир.

**И. ЛАТИБОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бўлим бошлиғи**

**Ижодий учрашув**

*Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Ижод" фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан ташкил этилган "Ёшлик илҳомлари" мавзуидаги ёш ижодкорлар кечаси бўлиб ўтди.*

# ЁШЛИК ИЛҲОМЛАРИ

Аввало, таъкидлаш керакки, пойтахтимизда фаолият юритаётган ижодий ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўғил-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ўз ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш учун уларга яқиндан кўмаклашиш мақсадида тадбирлар ўтказиш мўлжалланган. Турли маърифий лойиҳалар ўрин олган ушбу тадбирларда ўқувчи ва талаба ёшларнинг юртимизнинг таниқли санъат усталари, маданият намоёндалари, ёзувчи ва шоирлар, спорт юлдузлари учрашувлари ташкил қилинади. Муҳими, бундай жонли мулоқотлар пойтахтимизнинг ўн мингдан ортиқ ёшларини қамраб олади.



Ана шундай тадбирлар сирасига кирадиган "Ёшлик илҳомлари" мавзуидаги ёш ижодкорлар анжуманида маданият ва санъат намояндалари, ёзувчи ва шоирлар иштирок этди. Шундан сўнг ёш ижодкорлар ва санъат усталари томонидан катта мусиқий дастур намойиш қилинди. Анжуман иштирокчиларида, айниқса, болалар ижодиёти кўргазмаси унутилмас таассурот қолдирди.

Бу каби учрашувлар пойтахтимизнинг барча туманларида бўлиб ўтади.

**Фозил ЖАББОРОВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Шу куннинг мавзуси

# Ахборот соҳасини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари

Бугун дунё миқёсида ахборот-коммуникация технологиялари жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Ҳозирги даврда ушбу тизим орқали узатиладиган ахборот жамият ривожининг энг муҳим шартларидан бирига айланди. Шу боис, бутун жаҳонда, хусусан, мамлакатимизда ҳам соҳага алоҳида эътибор қаратилаётир.



Раъно ГАИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Юртбошимиз таъкидлаганидек, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқдир. Эътироф этиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари тизимида муносабатларни тартибга солувчи мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилди. Замонавий талаб ва стандартлар, конституциявий тамойиллар асосида "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги, "Радиочастотали спектр тўғрисида"ги, "Алоқа тўғрисида"ги, "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ги қатор қонунлар ва кенг қамровли қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу қонунлар таҳлили соҳага оид ҳуқуқий базани такомиллаштириш изчил ва тизимли амалга оширилаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида қилган маърузасида ахборот соҳасини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий жиҳатларига алоҳида, батафсил тўхталиб ўтдилар. Хусусан, Президентимиз "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклифини илгари сурдилар. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши, ўз навбатида, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этиш ва соғлом рақобат муҳитини таъминлаш, соҳа субъектлари учун қўшимча иқтисодий имтиёзлар бериш, ижтимоий аҳамиятга эга ОАВларни қўллаб-қувватлаш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Келгусида жамоатчиликни тўлақонли, ҳаққоний ва тезкор ахборот билан таъминлаш, демократик принципларга асосланган ҳолда оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида" қонуннинг амалиётга жорий этилиши эса юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиқ ва ошкоралигини таъминлайди. Ахборот коммуникациялари соҳасининг энг муҳим тармоқларидан бири – телерадио тизимини ривожлантиришга қаратилган "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги қонун телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни янада кучайтириш, телерадиодастурларни узатиш борасида мобиль ва рақамли телевидение каби илғор замонавий технологияларни жорий этиш, телеиндустриянинг истиқболли янги тармоқларини ташкил қилиш учун зарур ҳуқуқий механизмларни яратиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

"Ахборот асри" деб ном олган XXI асрда мамлакатимизда ва дунёда кечаётган жараёнлар, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар оммавий ахборот воситалари ишида ҳам янги йўналишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига турткi бўлиши табиий ҳол. Бу жараёнда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ахборот-коммуникация ва компьютер технологиялари негизида ахборот узатишнинг замонавий, самарали усулларидан кенг фойдаланишдан иборатдир. Оммавий ахборот воситалари фаолиятида замонавий ахборот технологиялари, хусусан, интернет тармоғи имкониятларидан фойдаланиш ахборотни тезкор етказишга, қолаверса, газета ва журналларнинг кенг омма орасидаги нуфузини оширишга хизмат қилади. Чунки соҳага замонавий ахборот технологиялари изчил татбиқ қилинса, ҳатто хориждаги интернет-фойдаланувчилар ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар борасида ҳаққоний маълумотлар олиш имконига эга бўладилар. Бу эса турли ахборот хуружлари авж олаётган бугунги кунда ўта муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ахборотлаштириш тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник ва технологик хусусиятлари, электрон рақамли имзодан фойдаланиш амалиёти ҳамда унинг ҳуқуқий белгиланиши каби жиҳатларнинг қонун ҳужжатлари билан тартибга солингани мақсадга мувофиқдир.

Хулоса шуки, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг қонунлар ёрдамида мустаҳкамланиши оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлиги ва мустақиллигини амалда таъминлаш, уларни том маънода "тўртинчи ҳокимият" сифатида шаклланиши учун етарли ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Танлов

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлови ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Турли ижодий ва жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, таниқли журналистлар иштирок этган мазкур тадбирда танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

## Орзиқиб кутилаётган кун



Тадбирни бошқарган Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси, ташкилий қўмита раҳбари Шерзод Ғуломов «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлови журналистларнинг меҳнатини рағбатлантириш, янги ижодий марралар сари илҳомлантириш борасида муҳим ўрин тутаётганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, бу танлов иштирокчиларининг сони ва улар тақдим этаётган ишлар сифатида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Агар ўтган йили танловда 451 нафар журналист 6700 та ижодий иши билан қатнашган бўлса, бу йил 550 га яқин журналист 7500 дан ортиқ ижодий иш топширди. Шулардан 380 таси даврий матбуот, 140 таси телевидение ва 40 таси радио йўналишидаги материаллардир. Қолганларини интернет-журналистика, фото ва карикатура бўйича топширилган материаллар ташкил этади.

Олтинчи бор ўтказилаётган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлови мамлакатимиз тарихидаги буюк сана — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ўтаётгани унинг иштирокчиларига янада кўтаринки руҳ бағишламоқда. Зеро, истиқлол, унинг она юртимиз тарихи, халқимиз ҳаётидаги ўрни ҳар бир журналист ижодида алоҳида ўрин тутади.

Тадбирда танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишлаб ўтказиладиган тантанали маросимни ташкиллаштириш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари юзасидан ҳисобот тингланди. Шунингдек, БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки сингари халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари сўз олиб, танловнинг нуфузи ва ўзлари жорий этган номинациялар ҳамда мукофотлар хусусида ахборот бердилар.

Йиғилишда танловнинг ҳайъат ва ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди.

«Олтин қалам» танлови ғолиб ва совриндорлари Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида — жорий йилнинг 2 май куни «Туркистон» саройида ўтказиладиган тантанали маросимда эълон қилинади.

Иномжон АБДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Мулоҳаза

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ ҳуқуқий демократик давлат ҳамда эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга бел боғлаган кўп миллатли халқимиз ёрқин келажакка интилмоқда. Ўтган йигирма йил мобайнида биргина маънавият соҳасида амалга оширилган улуғвор ишларни, қўлга киритилган ютуқларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланган, истиқболда қилиниши лозим бўлган ишларимиз бор бўй-басти билан намоён бўлади.

# Ҳаёт билан ҳамнафас

Халқимиз маънавиятини юксалтириш йўлида "Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал" тамойиллари барқ уриб турган "Авесто", мардлик ва қаҳрамонлик, юртпарварлик мадҳияси бўлиб, аждодлардан авлодларга ўтиб, янграб келаётган "Алпомиш" достони, меҳр-оқибат, дўстлик ва бирodарлик, гўзаллигу ҳаёт абадийлиги тимсоли ҳисобланмиш Наврўз байрами, иймон, инсоф, диёнат, адолат, поклик, мурувват ва шафқат сингари фазилатлари вужуд-вужудимизга сингиб кетган муқаддас динимиз, Имом Бухорий, ибн Исо Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек каби дунё илм-фани ва маданияти равнақига беқиёс ҳисса қўшган буюк бобокалонларимиз номлари тикланиб, беқиёс илмий-ижодий меросларининг халқимизга қайтарилиши, жаҳон аҳлини хайратга солиб келган бетакрор мўъжизавий қадамжоларимизнинг асрлар ғуборларидан тозаланиб, асл ҳолига келтирилиши — буларнинг ҳамма-ҳаммаси фикримизнинг ёрқин далилидир.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган бундай улуғвор ишлар янги замон кишисининг маънавиятини шакллантириш, унда янгича фикрлаш, янгича қараш ва ўзлигини англашида муҳим ўрин тутмоқда. Шубҳасизки, шахснинг маънавий билим ва тажрибаси қанчалик пухта пишиқ бўлса, унинг сиёсий онги шунчалик ривожланиб боради. Бу эса уни сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмасликка, уларни тўғри таҳлил қилиш ва адолатли баҳолашга ундайди. Вужудга келган сиёсий фаоллик ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигига эришиш заруратини шахснинг эҳтиёжига айлантиради.




Айни шу мақсадда, мамлакатимизда изчил олиб борилаётган демократик ислоҳотлар оммавий ахборот воситалари олдига ҳам янги-янги вазифалар қўймоқдаки, бу — улардан ўз фаолиятларини таҳлил этишга, ижодий жараёнга миллий манфаатларга асосланган ҳолда замонавий қарашларни олиб киришни, инсон фикри ва хоҳиш-иродасининг адолатли ҳимоячиси бўлиши, ҳаёт билан ҳамнафас яшаши, энг муҳими одамлар қалбидагини холис ва ҳаққоний ифода этишни талаб этади.

Оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, маънавий, маърифий ишларининг фаол иштирокчисигина эмас, балки уларнинг ташкилотчиси-ю, ташаббускори сифатида ўз ўрнига эга. Ана шундай нашрлар саналган «Ишонч», «Инсон ва қонун», «Миллий тикланиш» газеталари ўз сўзи ва ўз овозига эга бўлишига, одамларнинг дилидаги-ю, тилидагини айтишга, фикрлар хилма-хиллиги-ю, ошкораликни таъминлашга астойдил интилмоқда. Уларда чоп этилаётган материаллардаги публицистик руҳ, мавзу долзарблиги билан диққатга сазовордир. Шу билан бирга, миллий қадриятларимизнинг тикланиши, равнақи, ўзлигимизни англашдаги тутган ўрни, бугунги ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялашдаги аҳамияти кенг қамровга эга.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Тошкент молия институти катта ўқитувчиси

# Жамоатчилик назорати: МЕЗОН ВА МАСЪУЛИЯТ

Муҳтарам Президентимизнинг ўтган йили 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги маърузасида ривожланишнинг янги босқичидаги концептуал вазифалар белгилаб берилди. Юртбошимизнинг: *"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш фурсати етди. Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур..."* — деган фикрлари ҳақиқатдан ҳам саъй-ҳаракатлар кўламининг мезонларини белгилади.

Кўриб турганимиздек, фуқаролик жамияти институтлари зиммасидаги салмоқли юмушлар шунчаки декларатив характердаги ундов ва сафарбарлик даъвати эмас, балки ҳуқуқий мезонларга асосланган ўзига хос ҳаракат дастурининг барча қирраларини қамраб олувчи аниқ механизм орқали рўёбга чиқариш мўлжалланган амалиётдир. Фикримизча, бундай концептуал дастуриламал, эндиликда кундалик ҳаётимизда муқаррар қарор топиб бораётган "жамоатчилик назорати" деб юритилмиш, табиатан бўлак бир ижтимоий функциянинг беками-кўст бажарилишини таъминлаши баробарида, давлат тасарруфидаги мавжуд назорат органларининг вазифа ва мақомини такрорламасликни, назорат устидан назорат, текширув изидан текширув қабилидаги қусурларни истисно этишни ҳам кўзда тутади. Шу сабаб, "жамоатчилик назорати" деганда, биз тафтиш, кузатиш, текшириш ёинки фош қилиш каби чоралардан ташкил топувчи жўнгина фаолиятни эмас, балки халқимизнинг бой маънавий, ахлоқий, маърифий қадриятлари билан йўғрилган, фуқароларнинг етук ҳуқуқий маданияти ҳамда инсоф, иймон, эътиқод, ҳақгўйлик ва софдиллик сингари ажойиб инсоний фазилатлардан иборат, чинакам умумхалқ манфаатларига бўйсундирилган муштарак мезонлар мажмуини тушунишимиз даркор. Қолаверса, бу каби тадбирлар кенг миқёсда ва оммавий тусда олиб борилишини инобатга олсак, мазкур мураккаб жараёнлар силсиласи, албатта, маълум мезонлар ва мувофиқлашган ёндашув асосида кечишини таъминлаш зарур.

Бу борада «Жамоатчилик назорати тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти органлари фаолияти, улар томонидан қонунлар ижросининг таъминланиши ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб беради. Аҳолининг, жамоат бирлашмалари, умуман фуқаролик жамияти институтларининг ижро ҳокимияти томонидан қабул қилинаётган қарорлар (авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар) ҳақидаги ахборотлардан кенг бохабар бўлиб боришида ҳам юқоридаги қонунларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, ана шундай масъулиятли ва шу билан бирга, кенг ваколатли вазифани адо этишда нималарга эътибор қаратишимиз зарур?

Энг аввало, мазкур жараёнда бевосита иштирок этувчи субъектлар: фуқаролик жамияти институтлари, давлат ва ҳокимият тузилмалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, жамоатчилик ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида мутаносиб равишдаги ўзаро муносабатлар тизимини юзага келтириш ва бунда мувофиқлашган ҳаракатлар асосида иш олиб бориш тақозо этилади. Бундай ҳамкорлик механизми ижтимоий назоратнинг жамоатчилик, фуқаролик, парламент, депутатлик, партиявий назорат каби қатор шаклларидан самарали фойдаланган ҳолда, уларнинг ўзига хос хусусияти ҳамда салоҳиятини ягона мақсад атрофида мужассам этиб, муаммолар ечимига эришиш, жойларда қонун устуворлигини таъминлаш имкониятини яратади. Шубҳасиз, бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари ичида етакчи ҳисобланган ОАВнинг катта таъсир кучига эга имкониятларидан кенг фойдаланиш, уларнинг жамоатчилик назорати функциясини тўлақонли бажариши учун тегишли шарт-шароитларни яратиш, айниқса, парламентнинг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини атрофлича ёритишда журналистларни янада кенгроқ жалб қилиш яхши натижа беради.

Журналистик суриштирув, таҳлилий-танқидий материалларнинг сон ва сифат даражасини юксалтириш орқали матбуотнинг назорат доирасига тушган муаммоли масалалар салмоғига яраша тадрижий равишда парламент ва депутатлик назоратларини, парламент суриштируви ва эшитувларини ўтказиш амалиёти эса мазкур ҳамкорликда узвий ёндашувни таъминлайди.

Юқорида келтирилган мулоҳазаларда диққатни муҳим бир чамбарчасликка, уйғунликка қаратмоғимиз даркор. Гап фуқаролик жамияти таркибига оид йирик институциал тизимлардаги назорат функцияларининг муштараклиги хусусида кетмоқда. Юртбошимизнинг ана шу кўпқиррали салоҳиятни мамлакат истиқболини белгиловчи кучли, универсал омил сифатида баҳолашининг замирида катта мазмун-моҳият мужассамдир. Шу билан бирга, бу табиий уйғунлик томонлардан ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириш баробарида, ягона мақсад сари қўйилажак қадамлар шаҳдини сарафроз қилишни ҳам кўзда тутади. Ушбу ҳамкорликда барча томонлар ўз касбларининг табиати, фаолият мезонларини мукаммал билишлари, вазифалар кўламини имконият ва ваколатлар даражасида англаб, куч ва салоҳиятни устуворлик ҳамда долзарблик касб этувчи принциплар асосида сарфлашлари керак бўлади.

Бобур АЛИХОНОВ,
Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

### ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЁРДАМ КЎРСАТАДИ



**Европа Иттифоқининг расмий вакиллари Португалияга инқироздан халос бўлиши учун 80 миллиард евро миқдорида молиявий ёрдам беришни мўлжалламоқда. Бу масалага доир музокаралар тез орада бошланади, деб хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги.**

ЕИнинг молиявий масалалар бўйича комиссари Олли Реннинг таъкидлашича, бу хусусда узил-кесил хулосага келиш учун бир неча ҳафта керак бўлади. Битим келгуси ойнинг ўрталарида имзоланиши кутиляпти. Молиявий ёрдам уч йил муддатга берилади.

Шундай қилиб, 110 миллиард евро кўмак олган Греция ва 67 миллиардлик ёрдамни қўлга киритган Ирландиядан сўнг Португалия Европа Иттифоқидан молиявий кўмак олган учинчи мамлакатга айланадиган бўлди.

### МИНСК МЕТРОСИДАГИ ТЕРАКТ ОҚИБАТЛАРИ



**Белорусь пойтахти – Минск шаҳридаги метро бекатида содир этилган портлаш оқибатида ҳалок бўлганлар сони 12 кишига етди. Жабрланганлар эса 149 кишини ташкил қилади. Шундан 22 нафарининг аҳволи оғир экани айтилмоқда. Бу ҳақда мамлакат оммавий ахборот воситалари расмий маълумотларга асосланиб хабар тарқатган.**

Хабарларда айтилишича, портлаш 11 апрель куни маҳаллий вақт билан соат 17:56 да метронинг «Октябрь» бекатида содир бўлган. Мамлакат ҳукумати вакилларининг баёнот беришларига қараганда, портлаш кучи тротил эквиваленти бўйича 5-7 килограммни ташкил этган. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, 2010 йил март ойида Москва метросидаги портлаш кучи эса 3 килограмм тротил эквивалентида бўлган эди.

Айни пайтда мамлакат Бош прокуратураси мазкур воқеани теракт деб баҳолади ва бу юзасидан жиноий иш очди. 13 апрел куни эса мотам куни деб эълон қилинди.

### ҒАРОЙИБ МИНОРА



**Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида "Лего" конструктори қисмларидан энг баланд минора бунёд этилди, деб хабар тарқатди The Daily Telegraph.**

Баландлиги 31 метру 19 сантиметрни ташкил этган, 500 мингта қисмдан иборат конструкцияни ясаш учун тўрт кун вақт керак бўлди. Бу ғаройиб минорани ясашда болалар ва уларнинг ота-оналари ҳам иштирок этишди. Бу жараённи "Лего" ўйинчоқларини ишлаб чиқарадиган компания мутахассислари кузатиб боришди. Мазкур "иншоот"нинг энг охирги деталини қўйиш футбол бўйича жаҳон чемпиони Кафуга насиб этди.

"Лего" конструкторидан биринчи минора 1988 йилда Лондонда ясалган. Кейинчалик шундай миноралар Торонто, Токио, Сидней, Мюнхен ва Москва шаҳарларида ҳам қад кўтарган. Бундан олдинги рекорд 2008 йилда Чилида ўрнатилган эди. Ўшанда 29 метру 94 сантиметр баландликда минора ясалган эди.

### ПОЛИЦИЯ МАҲКАМАСИГА ҲУЖУМ




**Германия пойтахтининг Фридриксхайн мавзесида ниқоб кийган бир неча киши полиция биносига бостириб кирди ва тез ёнувчи суюқлик солинган идишларни улоқтирди.**

Ҳужум уюштирганлар олти киши бўлиб, улар дераза ойналарини синдирди, асосий кириш эшигини ёқиб юборди. Шу пайт полиция биносида бўлган фарраш ўт ичида қолиб кетди. Хайриятки, полициячилар тезда уни ўт балосидан халос этишди. Ходим деярли шикастланмади.

Бу ерда хизматда бўлган полициячилар гуруҳи бошлиғи енгил жароҳат олганига қарамай босқинчиларни қувиб борди ва улардан бирини қўлга туширди. Қолган жиноятчилар кўздан ғойиб бўлганди.

Маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идоралари бу воқеани қасддан одам ўлдиришга интилиш дея баҳолади ва текширув-суриштирув ишларини бошлаб юборди.

### ОКЕАНДА БУРҒУЛАШ БЎЙИЧА ЯНГИ РЕКОРД



**«Transocean» компанияси Ҳинд океанида 3077 метр чуқурликдаги қудуқни бурғулашга эришди. Бу лойиҳа Dhirubhai Deepwater KG2 бурғулаш кемаси ёрдамида бажарилди. Мазкур кема 3650 метр чуқурликда ишлаш, 10 километргача бурғулаш қувватига эга.**

Компания матбуот хизматининг расмий маълумотларида айтилганидек, ҳозиргача ҳеч бир корхона океанда бундай чуқурликдаги қудуқни бурғулашнинг уддасидан чиқа олмаган. Бунгача ўрнатилган рекорд кўрсаткичлар ҳам мазкур компанияга тегишли бўлиб, у Мексика кўрфазида 3051 метр чуқурликда амалга оширилганди.

### ТОКИО ЯҚИНИДА ЗИЛЗИЛА



**Япония пойтахтига чегарадош Тиба маъмурлиги қирғоқларида 6,3 балли зилзила рўй берди, деб хабар қилади «Reuters» ахборот агентлиги.**

Зилзила маҳаллий вақт билан 08:08 да содир бўлган. "Agence France Presse"нинг келтиришича, АҚШ геология хизмати маълумотларига кўра, зилзила маркази Токиодан шарқий 77 километр узоқликда жойлашган.

Ер силкиниши мамлакат пойтахтида ҳам сезиларли даражада бўлган, бироқ ҳеч қандай вайронагарчилик юз бермаган. Жабрланганлар ҳақида маълумотлар йўқ. Аммо силкинишдан кўп ўтмай Токио метросида ҳаракат тўхтаган. Шунингдек, зилзила Тига маъмурлигининг Норита халқаро аэропорти фаолиятига ҳам таъсир кўрсатган.

Эслатиб ўтамиз, бир ой муқаддам содир бўлган зилзила ва кучли цунами оқибатида 13 минг нафардан зиёд киши ҳаётдан кўз юмиб, бедарак йўқолганлар 14 минг нафардан ошганди.

### ДАРОМАД ҚИСҚАРИШИГА... ЗИЛЗИЛА САБАБ



**Японияда содир бўлган ер силкиниши ва сув тошқини (цунами) ҳамда Шимолий Африкадаги қуролли тўқнашувлар жаҳон реклама бюджетининг 2,5 миллиард долларга қисқаришига сабаб сифатида кўрсатиляпти.**

Мутахассисларнинг фикрича, дунёдаги нохуш воқеалар реклама бозорига бир неча ойлар давомида салбий таъсир этади, холос. Шундай экан, 2012 йилга бориб АҚШдаги президент сайлови, Лондондаги Олимпиада ва футбол бўйича Европа чемпионати каби тадбирлар эвазига рекламадан келадиган даромад яна кўпаяди. 2013 йилда эса интернет орқали реклама 63 миллиардан 94,5 миллиард долларга, телевидение рекламаси 216 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

### ЁНҒИНЛАР 80 ГА ЯҚИН БИНОНИ БАРБОД ҚИЛДИ



**"Reuters" агентлиги хабарида АҚШнинг Техас штатида табиий ёнғинлар туфайли камида 80 та иморат вайрон бўлгани айтилади. "Associated Press" нинг аниқлик киритишича, биргина Форд-Дэвис шаҳрида 40 га яқин уйлар ёниб кетган.**

Якшанба куни кечқурун Форт-Дэвисда фавқулодда вазият эълон қилинган. Джефф-Дэвис ва Мидлена округларида ёниб кетган майдонлар ҳажми тахминан 100 минг акр (404 квадрат километрга яқин)га етган. Жойларда олов алангаси "тили"нинг баландлиги 5-6 метрга кўтарилган. Оловнинг кенг ёйилиб кетишига кучли шамол билан ўта иссиқ об-ҳаво сабаб бўлмоқда.

Ёнғинни ўчиришда кўнгиллилар ҳам фаол иштирок этмоқда. Қўшни штатлардан ёнғин ўчириш командалари сафарбар этилган.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

Банк фаолияти

TURON BANK

## МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

*Мамлакатимиздаги етакчи банклардан бири — "Туронбанк" ОАТБ бугунги кунда кенг тармоқли филиаллар тизимига эга. Республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган банк филиалларида мижозларга тезкор ва юксак даражада хизмат кўрсатилмоқда. Айни пайтда мижоз банкнинг қайси филиалига бормасин, унга илк дақиқаларданоқ эътибор қаратилиб, барча зарур маълумотлар берилмоқда, амалий ёрдам кўрсатилмоқда.*



Маълумки, 2011 йил мамлакатимизда "Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили" деб эълон қилинди. Шу муносабат билан "Туронбанк" ОАТБ томонидан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар учун қулай имкониятлар яратилмоқда. Кредит олиш жараёни янада соддалаштирилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-озиқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк филиаллари тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратишга алоҳида эътибор қаратмоқда.



Бундан ташқари, банк ташаббускорлигида жорий йилнинг 1 апрелигача "Энг яхши бизнес режа", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Энг яхши хизмат кўрсатиш лойиҳаси", "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши ёш тадбиркор", "Энг яхши аёл тадбиркор" номинацияларида танлов асосида тадбиркорларга молиявий кўмак кўрсатилди. Ўйлаймизки, бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беради.

**Ислом СУЛТОНОВ,**
**"Hurriyat" мухбири** ®

**Тошкент иқтисодиёт коллежи танлов эълон қилади**

*Ўқув муассасасида соғлом овқатланишни ташкил этиш тўғрисида*

**Танловда давлат рўйхатидан ўтган, умумий овқатланиш бўйича камида олти ой давомида фаолият юритаётган, махсус моддий-техник базаси ва озиқ-овқат технологияси бўйича мутахассислари мавжуд бўлган юридик шахслар иштирок этиши мумкин.**

Танловда иштирок этиш учун талабгорлар Танлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

**Аризага қуйидагилар илова қилинади:**
— юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
— умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолият, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома;
— махсус моддий-техник база ва озиқ-овқат технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома.

**Манзил:** Юнусобод, 19-даҳа, 37-уй.
**Мурожаат учун телефонлар:** 220-03-68, 220-02-63

Адлия почтасидан

## МЕҲР ИНЪОМИ

Бировга (у хоҳ яқин қариндош, хоҳ бегона бўлсин) каттами-кичикми, мулк ҳадя — тортиқ қилиш осон иш эмас. Негаки, ҳадя замирида бирон-бир манфаат ёхуд ғаразли мақсад бўлмаслиги жоиз. Ҳадя беришнинг тартиб-қоидалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ўзининг тўла ифодасини топган.

Мазкур кодекснинг 502-моддасида: «Ҳадя шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаб)ни беради ёки бериш мажбуриятини олади», деб белгилаб қўйилган.

Бирон-бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирон-бир шахсни мулкий мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш (ҳадя этишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажакда аниқ шахсга ашё ёки мулкий ҳуқуқни текинга бериш ёки уни мулкий мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, бу ҳадя шартномаси деб тан олинади. Аксинча, ҳадя нарсаси аниқ кўрсатилмасдан мол-мулкининг бир қисмини ҳадя этишни ваъда қилиш эса ҳақиқий эмас. Масалан, дейлик, бир киши бундан икки-уч йил олдин тасарруфидаги дала ҳовлисини кенжа ўғлига ҳадя этди. Аммо шартномада дала ҳовлидаги қайси мулклар (айтайлик, иморатлар, чўмилиш масканлари, кроват ва бошқа анжомлар) ҳадя қилингани аниқ кўрсатилмаганди. Оқибатда болалари ўртасида низо чиқди ва ҳадя шартномаси ҳақиқий эмас, деб топилди.

Таъкидлаш ўринлики, ҳадя шартномаси ёзма шаклда бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Сўнгги йилларда автомототранспорт воситаларини ҳадя қилиш тобора кўпайиб бораяпти. Бундай ҳадя шартномалари, албатта, нотариал тасдиқлаган бўлиши шарт. Бундай ҳадяни бериш уни тақдим қилиш, рамзий топшириш (калит ва ҳоказоларни тақдим қилиш) ёки ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади.

Хулас, ҳадя — бу жиддий масъулиятталаб иш. У инсоннинг инсонга бўлган меҳр инъоми. Шундай экан, меҳрга меҳр билан, масъулият билан жавоб бериш мақсадга мувофиқдир.

**Луиза ҲАСАНОВА,**
**Олтинсой туман давлат нотариал идораси нотариуси**

Солиқ

## Пластик карточка — қулай восита

Президентимизнинг "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан туманимиз солиқ инспекцияси томонидан қатор дастурий режалар амалга оширилмоқда.

Қарорда назарда тутилган нақд пулсиз ҳисоб-китобни ривожлантиришни рағбатлантириш ва банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартиришни жорий этиш билан боғлиқ тадбирларда, айниқса, фаол иштирок этаяпмиз. Жорий йилнинг 1 мартигача бўлган муддатда тумандаги 1138 савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларининг 699 тасида пластик карточкалардан фойдаланилмоқда. Ушбу шохобчаларнинг банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш қоидаларига оғишмай амал қилишларини таъминлашда кўмаклашяпмиз. Ана шу мақсадда туман давлат солиқ инспекцияси қошида махсус "Ишонч телефони" мунтазам ишлаб турибди. Аҳоли манфаатини кўзлаган ҳолда юқорида қайд этилган шохобчаларга телефон рақамлари зикр этилган плакатлар тарқатилди.

**Равшан ТОШМЕТОВ,**
**Олмазор тумани ДСИ шуъба бошлиғи**

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

# Оила қўрғони мустаҳкам бўлсин

*"Ҳуррият" газетаси уч йилдан буён менинг яқин ҳамроҳимга айланган. Газетада чоп этилаётган ҳуқуқий мавзудаги мақолалар, оила аталмиш қўрғоннинг мустаҳкам бўлишига оид соҳа ходимларининг фикр-мулоҳазалари, муаллифларнинг фаол муносабати ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман.*

Газетанинг 2011 йил 26 январдаги сонида "Нигоҳ" рукни остида берилган саҳифа материалларини зўр қизиқиш билан мутолаа қилдим. Айниқса, Барнохон Расулованинг "Бирни кўриб фикр қил..." мақоласи ўзининг долзарблиги ва ҳаётийлиги билан диққатимни тортди. Муаллифнинг ташвишли фикрларини ўқиб, кўп нарсалар хаёлимдан ўтди.

Маълумки, ота-боболаримиз наслнинг тозалигига келажак авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишининг муҳим омили сифатида қараб, бу масалага алоҳида эътибор беришган. Хусусан, соҳибқирон Амир Темур ўз фарзандлари, набираларининг соғломлигига ниҳоятда жиддий муносабатда бўлган. "Ўғилларим, набираларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлик-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан бирга, барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин туширдим", деб ёзади соҳибқирон "Темур тузуклари"да.



Пайғамбаримиз (с.а.в.) бежиз "Қуда-андачиликни бегоналардан қилинглар" деб айтмайдилар.

Мана шу ўгитлар таъсирида спиртли ичимликсиз, отарчисиз ўтаётган тўйлар файзли бўляпти. Туманимизда тиббий кўрик тўла жорий этилиб, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳга йўл қўйилмаяпти. Ортиқча ҳашаматларга барҳам беріляпти. Бу ижобий жиҳатларни ҳам эътироф этиш жоиз.

Ўтган йили Асакада 2486 та никоҳ қайд этилди. 4824 чақалоқ дунёга келди. Оталикни белгилаш 57 тага, ёлғиз она 14 тага, никоҳни бекор қилиш 5 тага камайди. ФҲДЁ қошида фаолият юритаётган "Оила дорилфунуни" машғулотларида 5015 нафар ёшлар қатнашиб, ўзларига тегишли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар олдилар.

Гапни мухтасар қилсам, оила ва никоҳ азалий қадриятдир. Бусиз кишилик жамияти шаклланмайди, ривож топмайди. Оилаларнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи ва ролини кучайтириш эса ҳар бир эр-хотиннинг муқаддас вазифасидир.

**Муборак САИДОВА,**
**Асака тумани ФҲДЁ бўлими мудири,**
**Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши депутати**

## Акс садо

# "Одамийлик доираси"даги гаплар

*Ушбу мақолани ёзмоқлик режамда бор эди. "Hurriyat" газетасининг шу йил 2 февраль сонида журналист Қаноат Тиллахўжаева муаллифлигида эълон қилинган "Техника — инсоннинг дўсти...ми?" кузатуви туртки бўлиб бироз ғимирлаб қолдим. Чунки мен мўлжаллаб юрган мавзуни тажрибали журналист "илиб" кетган эди. Ниҳоят фикр-хаёлимни бир жойга йиғиб, қуйидаги мулоҳазаларимни газетхонларга илиндим.*

1973 йил. Апрель ойининг учинчи санаси. Ҳаво булут бўлишига қарамай, Нью-Йоркнинг Манхеттен қисмидаги кўчалардан бирида яхши кийинган, қўлида кичикроқ жамадон тутиб олган ўрта ёшлардаги бир киши айланиб юрарди. У бинолардан бирининг олдига келиб тўхтади ва жамадонидан кўриниши ғиштни эслатадиган алланимани чиқарди. Сўнг унга бармоғини бир неча бор теккизди-да, қулоғига тутди:

— Алло! Салом, Жоэл. Офисингни олд кўриниши жуда чиройли экан. Шуни сенга айтиб қўймоқчи эдим.

— Қаердасан?

— Менми, кўчада, рўпарангда турибман.

Аввал трубкадан бир кишининг алам билан сўкингани, кейин қисқа-қисқа гудоклар эшитилди...

Уяли телефондаги биринчи қўнғироқ ана шундай тарзда якун топганди. Ўша жамадонли киши "Motorola" корпорациясининг мобиль алоқалар бўлими раҳбари Мантин Купер эди. Иккинчиси "AT & T Bell Labs" компаниясининг тадқиқотлар бўлими бошлиғи Жоэл Энгел бўлган.

Бу воқеа тарихга муҳрланаётган вақт Мантин Купернинг хаёлидан нелар кечган, буниси менга қоронғу. Лекин шуниси аниқки, у дўсти Жоэлдан кашфиёти учун беғараз табрик кутгану аксига олиб трубкадан сўкич товушлари эшитилган. Мана, орадан 40 йилча вақт ўтиб, "ғиштин" телефонлар сайқал топди, такомиллаша борди. Ҳатто замондан орқада қолишни эп кўрмайдиган "сўконғич" абонентлар сафи ҳам кенгайгандан кенгайди. Шу боис маданият, дид-фаросат, ахлоқ борасида гап кетгудек бўлса, эндиликда кийиниш, саломлашиш, меҳмон кутиш кабилар қаторига телефонда суҳбатлашиш одобини ҳам киритиб қўйиш керакдек, назаримда.

Синглим нимаям бўлиб, дугонасининг қизлар базмига боролмади. Хотин-халаж базмдан деярли битта гап "қўлтиқлаб" қайтишди: "Вой ўлай, куёв олдин уйланган экан. Олдинги хотинидан бир ўғил, бир қизи ҳам бор экан. Энди бечора қиз нима қилади?" Дугоналари синглимга воқеани бошқачар-о-қ изоҳлаб берибди: "Ўзидан ўтди. У йигит билан телефонда танишган. Ундан аввал уни сираям кўрмаган. Туни билан ёндим-куйдимлашиб чиқарди. Шивир-шивир, вижир-вижир, пичир-пичир..." Қулоғимга ортиқча гап кирмади. Воқеани ақлимга сингдиролмай гаранг эдим. Уяли алоқа шунчалик "қудрат"га эгами? — деган савол ўйнарди миямда. Унинг олдида ёруғлик тезлиги тошбақа юриш қилаётганга ўхшаб туюлди менга.

Дарвоқе, вилоят телеканалидаги бир ҳолатни кўриб ҳайратим ошди. Телевизорда ёшгина йигитча ёр ҳажрида нола чекиб, минг азобда қўшиқ айтади. Бу пайт экраннинг ост қисмида ҳайратомуз SMSлар бирин-кетин чиқиб келаверади. Уларнинг барчаси тахминан мана бундай мазмунда: "Ақлли, эсли-ҳушли қизлар билан танишаман!" Бу ҳам майлику-я, "фалон жойдан, фалон ёшда бўлсин" дея қўйилган "талаблар"га тобингиз қалай? Ҳатто беандиша йигитлар "фалон қишлоқдаги, фалончи бобонинг писмодончи қизини яхши кўраман" деган SMSларни ҳам юборишади. Энди "фалончи бобо"нинг қишлоқда бош кўтариб юришини тасаввур қилиб кўринг. Ҳозиргача тутақаман. Ўшандаям телефонни қўлимга шарт олиб, тегишли манзилга SMS юборгандим, дам ўтмай экранда пайдо бўлди: "Эй нотавон! Ақлли, эсли-ҳушли, ўзини билган қайси қиз қўнғироқ қилиб, сиз билан танишмоқчиман дейди?"

Умуман олганда, уяли алоқанинг фойда-зарари тўғрисида кўп нарсани биламиз — кўрганмиз, гувоҳ бўлганмиз. Биттагина "лекини" унга амал қилмаймиз, холос. Масалан, уларнинг мияга салбий таъсири, бунинг оқибатида юзага келадиган касалликлар ҳақида тасаввурга эгамиз. Аммо "ўша касаллик келиб-келиб мени танлармиди?" қабилида иш кўрамиз. Танлаганида эса "поезд кетиб бўлган", вагонлардан бирига тирмашиб соғлиқ ҳам биздан узоқлашган бўлади. Телефон вақтни ўғирлайди, дея соатлаб баҳслашиб қоламиз гоҳида. Қаранг, шуни ҳам фаҳмлаяпмиз. Лекин ўзимизни "ҳаётнинг қайноқ жабҳасида" тургандек ҳис қилиб, алоқада давом этаверамиз. Уйқу истагидаги организмимизнинг бор-йўқ энергиясини туни билан сарфлаб, ортиқча қийнаб қўйишимизга ақлимиз етади. Яна ҳам ўз билганимиздан қолмаймиз. Энг ёмони, орамизда мобиль телефон хотирасини ахлоққа ёт тасвирлар, беҳаё суратлар, беандиша клиплар ва алламбалолар билан "бойитиш"ни канда қилмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Даҳшатлиси, бундай кадрларни йиғиб-териб юрадиганларнинг аксар қисмини болалар ташкил қилмоқда.

Бу ҳам етмагандек, баъзида қўнғироқ қила туриб, "Ким бу?" сўроғини берадиган айрим кишиларни сира тушунмайман. Бу ҳолат уй рақамингизни тергани ҳолда "Ҳозир қаердасиз?" деган билан баробар. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам бизга нисбатан беэътиборлик, лоқайд бир кайфиятни ифодалайди.

Мақолага нуқта қўйишдан олдин яна бир бор тарихга юзлансак. 1950 йилнинг 3 декабрида Швециядаги "Телеверкет" компаниясининг ходими С.Лаурен Лидинг шаҳридаги Васаганат кўчасида ўзининг "Volvo" хизмат машинасидан туриб, автомобиль ичига ўрнатилган телефондан ҳаяжон билан қайнонасининг уй рақамини теради. Кекса аёл куёвим ақлдан озибди, деган хаёлга боради ва ўйлаганларини тилига чиқаради: "Стюр, машинанинг ичида ўтириб қандай қилиб телефонда гаплашиш мумкин?! Йўқ, сен тадқиқотларингга жуда қаттиқ берилиб кетибсан. Албатта руҳшунос докторимизга бориб учраш..."

Қайнонанинг гапидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бугунги "телефон шайдолари" том маънода руҳшуносга муҳтож. Қўл телефони бўлмаган кишиларни эса Стюрга ўхшатамиз. Ҳатто писанд қилмаслик даражасигача борамиз.

Тан олиш керакки, уяли алоқасиз бирор ишни кўнгилдагидек битказиш бугун иложсиз. Унинг мақсади ўз маъносида алоқани таъминлашдир. Мусиқа, расм, видео сингари қўшимча имкониятлар алоҳида масала, алоҳида муаммо. "Мусиқа тинглама!", "Номаъқул нарсаларни кўрма!" деган насиҳатомуз буйруқлар билан иш битмайди. Охирги гап ҳар кимнинг ўзида қолгани яхши: хоҳласин тингласин, эшитсин, кўрсин, хоҳласин йўқ. "Хизмат доирасидан ташқари"га чиқсак-да, асосийси, одамийлик доирасидан ташқарига чиқмасак бўлгани.

**Акмал ЖУМАМУРОДОВ,**
**ЎзМУ журналистика факультети талабаси**

## Табиат мўъжизалари

# Қора лайлакни кўрганмисиз?

*Шу савол билан бир неча кишига мурожаат қилдим. Жавоблар турлича бўлса-да, мазмуни асосан «ҳа» ёки «йўқ» маъносида. Энг муҳими, жавоблардан аксарият кишиларнинг она табиатга, наботот ва ҳайвонот дунёсига, қушларнинг бу ноёб турига бефарқ эмасликлари яққол сезилди.*



Мана, уни кўрмаганлар нима дейишди:

— Анқони эшитганмисиз? Қора лайлак ҳам ана шундай афсонавий қуш бўлса керак-да!

— Лайлакнинг қораси ҳам бўларканми? Биринчи эшитишим...

— Кўрмаганман, лекин шундай қуш борлигини ўқиганман.

Афсус, қора лайлак тугул, оқ лайлакни кўриш ҳам йилдан-йилга қийинлашиб боряпти. Болалигимизда баланд-баланд чинорлар кўп бўларди. Уларга ин қуриб, бола очган лайлакларнинг узун чумакларини такиллатишлари қишлоқнинг у четидан бу четига эшитилиб турарди. Тумшуғида илон кўтариб кетаётган лайлакни кўрганимизда эса орқасидан чопганимиз-чопган эди. Лайлакларнинг камайиб кетишига экологиянинг ўзгаргани ҳам сабаб бўлаётгандир...

Дарвоқе, қора лайлакни кўришга муяссар бўлганлар ҳаяжон билан сўзлайдилар:

— Миракидан баландда жойлашган тоғ қишлоқларига кўп борганман, — дейди табиат ва инсон мавзуида ажойиб асарлар ёзган истеъдодли адиб Неъмат Арслон. — Бир куни Оқсув дарёси соҳили бўйлаб Ҳисорак қишлоғидан Яккахона томон кетаётган эдим. Ногаҳон дарё кенг ёйилиб оқадиган дарада иккита қора лайлакка кўзим тушди. Қувониб кетдим. Ахир, юртимизга қайта бошлаган бундай камёб жониворларни кўриш ҳар доим ҳам насиб этавермайди-да. Анча вақтгача қизиқиш билан кузатиб турдим. Яқинроқ борсам чўчиб учиб кетишидан хавотирландим. Бир жуфт бетакрор қоп-қора қуш қуёш нурида ялтираб турибди. Оқ лайлакларга ўхшаса-да, улардан бироз кичикроқ.

Дарҳақиқат, Ҳисор тизма тоғларининг ўсимлик ва ҳайвонот олами ранг-баранг — баъзи гўшаларида ана шу узуноёқ, қора рангли сулув жониворларни учратиш мумкин. Энг муҳими, уларнинг эркин яшаши ва кўпайиши учун бу жойларнинг иқлими ва шароити ҳар жиҳатдан қулай. Овқатланиши учун егулик бисёр. Ҳисор давлат қўриқхонасининг саксон минг гектардан ошиқроқ, Китоб геология қўриқхонасининг тўрт минг гектардан зиёдроқ даҳлсиз ҳудудларида барча ҳайвонлар ва ўсимликлар сингари қора лайлаклар ҳам муҳофазага олинган.

— Қора лайлаклар асосан Ҳисорак сув омборининг юқори қисмида учрайди, — дейди Ҳисор давлат қўриқхонаси директори ўринбосари Бахтиёр Оромов. — Улар ёзни шу ерларда ўтказиш учун учиб келишади. Бу қуш ҳам барча лайлаксимонлар сингари ҳаёт кечиради. Инларини дарахтлар ва қояларга қуради. Сувда ва қуруқликда яшовчи майда жониворлар — балиқлар, судралиб юрувчилар, турли ҳашаротлар билан озиқланади. Учтадан бештагача тухум қўяди. Тухумларни урғочиси ва эркаги навбатма-навбат босиб ётади. Полопонлари тухумдан чиққач, биргаликда егулик топиб келиб, уларни овқатлантирадилар. Қишлаш учун иссиқ ўлкаларга учиб кетишади. Назоратчиларимиз, илмий ходимларимиз барча ҳайвонлар, қушлар каби қора лайлакларни ҳам ҳудудимизда қачон, қаерда учратганларини, уларнинг ҳаёт тарзига оид муҳим кузатишларни қайд этиб борадилар.

Илмий маълумотларга қараганда, узун оёқли қушлар туркумининг бир оиласи ҳисобланган лайлаклар тропик, субтропик ва мўътадил иқлимли минтақаларда учрайди. Асосан Африка ва Осиё қитъаларидаги турли мамлакатлар ҳудудларида қишлайди. Баҳорда яна кўпайиш учун иқлими ва шароити мақбул жойларга, хусусан, юртимизга учиб келади.

Қора лайлаклар табиатда ниҳоятда кам учрагани учун "Ўзбекистон Қизил китоби"га киритилган. Бу эса улар давлат муҳофазасига олинганини, қаерда учратмайлик, ҳимоя қилишимиз лозимлигини англатади.

Озод юртимизнинг муборак замини, табиати бетакрор ва беғубор гўшалари ҳаёт тарзи эркинликка ўрганган қушлар, хусусан, қора лайлаклар учун ҳам азиз ватандир. Қанчадан-қанчаси шу заминда дунёга келган. Бу ерда улар беҳавотир яшайдилар, кўпаядилар, эркин парвоз этадилар.

**Мақсуд ҲАМРОЕВ**

# "Оқ илон, оппоқ илон..."

*Ҳикоят қилишларича, ҳазрат Алишер Навоий кунлардан бирида масжидда намоз ўқиб бўлгач, шошилинч равишда ўз ҳовлисига йўл олади. Бунинг боиси сўралганда, у киши шундай жавоб қилади: "Намоз ўқиб ўтириб енгимда ўрмалаб юрган чумолига кўзим тушди. Гулзорнинг олдида таҳорат олаётганимда уни менга илашганини англадим-да, тезда ўша жойга олиб бориб қўйдим".*



Дарҳақиқат, чумолига ҳам озор етказмаслик — инсонийлик нишонаси. Лекин йўлимиздан тўсатдан илон чиқиб қолсачи? Юрагимиз шув этиб, кўзимизни олиб қочамиз ёки тезроқ ундан қутилиш пайига тушамиз. Кимдир тилига эрк бериб, кўнглимизни қаттиқ оғритса, уни "заҳарли илон"-га менгзаймиз. Иккиюзламачи, ўта маккор, ақлни ўғирлайдиган найрангвоз кишиларни ҳам илонга ўхшатамиз. Шу ўринда табиий савол туғилади: илон чиндан ҳам ёмонлик тимсолими?

Қадим-қадимларда одамлар илон ёки унинг тасвирини ёмон кучлардан муҳофаза этувчи восита деб ҳисоблаганлар. Ҳовлида илон сақланса, ўша жой турли хатарлардан холи бўлади, деган фикрда бўлишган. Илоннинг одамга ҳеч қандай ёмонлиги йўқ, аксинча, у уйга барака ва давлат келтиради, деган қарашлар ҳам мавжуд.

...Ўтган йили уйимизга бир фолбин аёл кириб келди. Салом-аликдан сўнг мендан кутилмаганда сўради:

— Уйингиздаги илонни ранжитиб, қочириб юборган экансиз-да?

Унинг гапидан кейин бир неча йил олдин ҳовлимизда туйқусдан пайдо бўлган илонни ўлдирмоқчи бўлганим кўз олдимда жонланди.

— Яхшиям ўлдирмаган экансиз? — дея сўзини давом эттирди у. — Уволига қолардингиз. Ҳа, айтганча, ўша илон қўшнингизникида жон сақлабди. Ҳозир у бадавлат бўп кетибди...

Болалигимизда, ошхонамиздаги ўчоқ тепасида андавачи томонидан деворга чизилган илоннинг сурати бўларди. "Илон — уйимизни бало-қазолардан асрагувчи куч", — дея тушунтирарди раҳматли онам. Кейинчалик дорихона, турли тиббий муассасалар пештоқларида ҳам илоннинг суратини кўриб, бу жонзот саломатлик ва ҳаётсеварлик рамзи эканини тушуниб етганман.

Қадим-қадимдан халқ табобатида илон гўшти ва териси ишлатилиб келинган. Тарихшунос олим Ўринбой Сўфиевнинг таъкидлашича, Фарғона вилоятининг Сўх воҳасида турли хил касалликларни, ҳатто бепуштликни даволашда ҳам бу жонзотдан фойдаланилган. Айтишларича, табиб оналик умидида юрган аёлнинг танасига илонни ўраб, кейин уни қўйиб юборган. Мабодо илон судралиб кетса, бу аёлнинг она бўлиши аломати ҳисобланган. Аксинча, илон ўлиб қолса... қилинган муолажа зое кетган ҳисобланар экан. Албатта, буларнинг бари бир ривоятга ўхшаса-да, баъзан ҳаётда ўз монандини топиши билан кишини ажаблантиради.

Яна бир гап. "Оқ илон, оппоқ илон..." сатрлари билан бошланувчи халқ қўшиғини эсга олайлик. Халқ эътирофига кўра, оқ илонни ойдинда кўрган одам саодатли бўлармиш.

**Муҳаммад ШОДИЙ**

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Маданий меърос

*Мусиқа санъатимизнинг улкан намояндаларидан бири Юнус Ражабийнинг номи ва бой мероси ҳамиша халқимиз ардоғида. Жиззах шаҳридаги вилоят мусиқали драма театри санъаткорнинг номи билан аталади. 1997 йилда санъаткор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда унинг уй-музейи очилди.*



# Меҳрга сазовор даргоҳ

Бу икки қаватли шинам уйда санъаткор ҳаётининг сўнгги йигирма йили ўтган. Мана шу хонадонда маҳобатли қомусий асарлар — беш жилдли «Ўзбек халқ музикаси» ҳамда олти жилдли «Шашмақом» китоблари ноталанган.

Уй-музей фаолиятини санъаткорнинг ўғли, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий бошқармоқда. Юнус Ражабий ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид 600 дан кўпроқ ранг-баранг экспонатлар музейдан ўрин олган. Улар ўз мавзуларига кўра, гуруҳларга ажратилиб, алоҳида хоналарга тартиб билан жойлаштирилган.

Музей эшигини очганингиз заҳоти миллий мумтоз куйнинг майин, ўйчан ва нафис оҳанглари қулоғингизга чалинади, сизни сеҳрлайди, элга, юртга наво бахш этган бир даргоҳга келганингизни қалбан ҳис этасиз. Бу ердаги ҳар бир буюм улкан санъаткорнинг аждодларимиз маданий меросини авайлаб-асраш билан боғлиқ жўшқин фаолиятни ёдга солади. Мана, унинг ижодхонаси: столда Юнус Ражабийнинг эски рубоби, ёнида кўзойнаги, у фойдаланган чойнак ва пиёла, қоғозга туширилган нота ёзувларидан намуналар. Бу қимматли ашёларни кузатсангиз ҳамда санъаткор сози, хонандалик овозини ўзида муҳрлаган грампластинкаларни тингласангиз, гўё Юнус Ражабий бир муддатга ушбу даргоҳни тарк этгану, бир лаҳзада ҳузурингизга қайтиб кирадигандай туюлади. Музейда «Юнус Ражабий» видеофильми ҳам сақланмоқда. Чинакам ихлосмандлар йиғилишганда фильм намойиш этилади...

Музейда нафақат Юнус Ражабийга, балки умуман мусиқа санъатимиз тарихига оид яна бир талай нодир ёдгорликлар ҳам сақланмоқда. Жумладан, бу ердаги бир суратда бундан икки минг йил олдин Айритом деворларига ўйиб чизилган манзара ўз аксини топган. Манзара шундай: аёл антиқа бир созда куй ижро этмоқда. Сурат халқимизнинг ва миллий маданиятимизнинг олис илдизларидан гувоҳлик бериб турибди.

Мўъжаз санъат масканини бадиий безашда Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаевнинг хизматини таъкидлагимиз келди. Унинг чизмалари асосида музейда мавзули витражлар барпо этилди. Буни Юнус Ражабий сиймосини жонлантирган энг яхши рассомлик ишларидан бири, деса бўлади. Рассом бажарган яна бир ижодий ишда — паннода Юнус Ражабий тарихий шахслар — Фаробий, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа сиймолар даврасида, уларга руҳий-ижодий ҳамкорлик ҳолатида гавдалантирилган.

Музейда катта меҳмонхонага ўхшаш зал ҳам бор. Деворда аллома санъаткор ҳаётининг турли даврларини акс эттирган суратлар осиғлиқ.

Хуллас, бу қутлуғ даргоҳни зиёрат этиб шуни ҳис қилдимки, аллома санъаткор уй-музейи ўзида юксак маънавий-ижодий руҳни мужассам этгани ҳамда наво илми алломасининг хотирасини эъзозлаб, унинг бой мусиқий меросини халқимиз, айниқса, ёш авлод орасида юқори даражада тарғиб-ташвиқ этиб келаётгани билан ҳам қимматлидир.

**Михли САФАРОВ**

Эл таниган одамлар

# Мазмунли умр

*Эндигина йигирма уч баҳорни қаршилаган Абдуллажон Тошкент давлат тиббиёт институтини битириб, Қорақалпоғистоннинг чекка ҳудудларидан бири — Мўйноқ туман касалхонасида бош шифокор ўринбосари вазифасида иш бошлаганига ҳам бугун роппа-роса 52 йил бўлибди. Эҳ-ҳе, шу йиллар мобайнида қанча сувлар оқиб ўтди. Абдулла Худойберганов бугунги кунда тиббиёт фанлари доктори, профессор, элнинг назарида.*

У кўп йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида турли раҳбарлик лавозимларида самарали фолият юритди, эл-юрт хизматида бўлди. 1986-2004 йилларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги академик В.Воҳидов номидаги хирургия илмий маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари ва бир вақтнинг ўзида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг жарроҳлик кафедрасига раҳбарлик қилди.

Катта билим ва бой тажрибага эга А.Худойберганов ҳозир ҳам мамлакатимизда тиббиёт илмининг жарроҳлик соҳаси ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Юздан ортиқ илмий ишлар, шулардан иккита муаллифлик гувоҳномаси унинг иқтидорига мансуб. Олим раҳбарлигида бир нафар фан доктори, беш нафар фан номзоди етишиб чиқди. Унинг ўнлаб шогирдлари ҳозир турли тиббиёт муассасаларида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Одатда, инсон эзгу орзу-ҳавасларини амалга ошириб яшашга интилади. Лавҳамиз қаҳрамони ҳам бор имкониятларини эл-юрт хизматига, уларнинг манфаатига сафарбар қила олди. Шу боис, унинг атрофи ҳамиша дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари билан гавжум. Мустақил Ватанимиз тараққиёти учун хизмат қилиш унинг шиори.

Шифокор сифатида юзлаб одамларни дарддан фориғ этиб, уларга иккинчи ҳаётни бахшида қилгани бир бўлса, мутасадди лавозимларда ишлаб тиббиётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани иккинчи масъулиятдир. Зеро, сил касаллигига қарши кўчма амбулатория ва гематология хизматларини мустаҳкамлашда унинг ҳиссаси катта.

Абдулла Худойберганов жамоат ишларида ҳам фаол. 1992 йили унинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан республикамизда Ўзбекистон врачлар ассоциацияси ташкил топди. Йигирма йилга яқин босиб ўтилган давр мобайнида бу ташкилот амалиёт билан шуғулланувчи шифокорларга ҳар томонлама қувват бўлиб келмоқда. Шунингдек, «Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг бюллетени» деб номланган илмий-амалий журнал чоп этилиб, қисқа вақт ичида ўз ўқувчиларига эга бўлди. Шифокорларнинг малакасини ошириш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ассоциация фаолиятининг асосий йўналишларидан бири. Соҳа мутахассислари ҳар йили Копенгаген, Вена, Берлин, Варшава, Осло, Лиссабон, Санкт-Петербург, Прага каби шаҳарларда бўлиб ўтаётган йирик форумлар, тиббиёт анжуманлари ва тажриба алмашув ойликларида иштирок этиб, мамлакатимизда тиббиёт бобида эришилаётган ютуқларни намойиш этиб қайтишади. Бундан ташқари, тиббиёт масканларида эндигина фаолият бошлаган ёш шифокорлар учун ассоциация томонидан тажрибали шифокорларнинг маҳорат дарслари мунтазам равишда ташкил қилинади. Бўлажак мутахассисларнинг касбга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида ўтган йили Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг стипендияси таъсис этилди. Ушбу стипендия учун ўқув юрти талабаларидан 7 нафари ғолиб деб топилиб, рағбатлантирилди.

Шу сингари хайрли ишлар Абдулла Худойбергановнинг ҳар кунлик ишига айланган. Юксак малака соҳиби, моҳир педагог ўзининг ана шундай фазилатлари билан навқирон авлодга ўрнак бўлиб келмоқда.

**Абдукарим УСМОНХЎЖАЕВ,**
**тиббиёт фанлари номзоди, доцент**

# Фарзандингизга кулиб боқинг

«Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди.»

***Ислом КАРИМОВ***
***(«Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидан)***

*— Дада, «Кумуш»га қўйинг! Сериал кўраман, — дейди ҳали уч ёшга ҳам тўлмаган қизим тихирлик билан. Онаси бу сериални мунтазам кўраётгани учун қизим ҳам шунга ўрганиб қолибди.*

*Бир куни кичкина тажриба ўтказдик. Сериални томоша қилиш ўрнига мен ҳам, хотиним ҳам қўлимизга китоб олиб ўқий бошладик. Бизни кўриб болаларимиз ҳам қўлларига китоб олди. Шундан кўриниб турибдики, болага таъсир қилаётган ҳар қандай тарбия асоси оиладан бошланар экан. Ахир, «қуш уясида кўрганини қилади», дея бекорга айтилмаган-да!*

Агар биз фарзандимизни билимли қилиб тарбияламоқчи бўлсак, аввало, ўзимиз унга ибрат кўрсатишимиз керак. Фарзанд бамисли сиёҳ тегмаган оппоқ қоғоз. Унга нимани ёзсангиз, ўшанинг аксини кўрасиз. Бола ота-онасининг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларини тўғри деб унга амал қилади. Шунинг учун ота-оналар фарзандлар олдида ўзини назорат қилиши лозим. Кейинги пайтларда «ёшларимиз китоб ўқимай қўйди», деган таънали мулоҳазаларни кўп эшитяпмиз. Лекин катталар, ота-оналар-чи?

Ота диванда ёнбошлаб телевизор кўрса, она телефонда соатлаб суҳбатлашса ёки бошиохири йўқ сериаллардан бўшамаса, бола нима қилади? Албатта, у ҳам ўзига битта эрмак топади. Ҳеч бўлмаганда уяли телефон ёки компьютердаги ўйин билан банд бўлади, лекин китоб ўқиш хаёлига ҳам келмайди. Аслида китоб ўқиш учун муҳит керак, оилавий муҳит.

Тан олайлик, китоб сотиб олишда кўп ота-оналар бепарво бўлишади. Баъзан замондан ортда қолмаслик учун энг сўнгги русумли телефонларни харид қилишса қилишадики, китоб олишга келганда...

Оддий мисол. Бир қўшним ўғлининг туғилган кунига 80 минг сўмлик уяли телефон совға қилди. Ҳайронман, 2-синф ўқувчисига телефон нима учун керак? Бундан ташқари, 80 минг сўмга қанча китоб сотиб олса бўларди.

Қизиқишим устун келиб суриштириб билдимки, Тошкент шаҳрида бу пулга ўртача 15-20 та китоб сотиб олиш мумкин экан. Лекин вилоятларда бу пулга сара, эски китоблардан юзга яқинини сотиб олса бўлар эди. Қай бири афзал? Битта телефонми ёки 20-30 та китоб?

Яқинда бир вилоятга сафарга боргандим. Бозорда ғалати воқеанинг гувоҳи бўлдим. Бир йигит катта қопдан китобларни худди картошка тўккандай ағдаряпти. Ранглари сарғайиб кетган қалин муқовали китоблар бир уюм бўлди. «Кўрсам бўладими?» десам, «Хоҳлаганингизни танлаб олаверинг. Нархи 500 сўмдан 1000 сўмгача», деди. Китобларни титкилай бошладим. Буни қарангки, бир уюм қоғоз хазина бўлиб чиқди. Дарсликлар, луғатлар, энциклопедиялар, жаҳон адабиёти дурдоналари саналган буюк ёзувчиларнинг асарлари. Улар китоб жавонимизнинг тўридан жой олса бўлмасмиди? Баҳоси 500 сўмга лойиқми? Асло!

Атрофни кузатдим. Нариги растада бир аёл катта стол устига оқ мато ёйиб китобларни ҳафсала билан теряпти. Бориб қарасам, салатлару пишириқлар рецепти ёзилган қўлланмалар, қайнона-келин, эр-хотин муносабатлари ҳақида ёзилган рангли, янги китоблар. Нархи 2500-3000 сўм. Кўпчилик шу китоблар атрофида гирдикапалак.

Аксарият ёшлар Қодирийнинг «Ўтган кунлар»и ўрнига енгил-елпи кино ва мусиқа дискларини сотиб олади. Навоийдан икки сатр билмаган ота ўғлига китоб совға қилармиди? Айбни ўзимиздан, оиладан излайлик. Фарзандимизга китоб олиб бериш учун вақт ҳам, хоҳиш ҳам топайлик. Балки, «Олиб берганман ўқимаяпти-ку» дейишингиз мумкин. Аммо фақат китоб олиб берган билан иш битмайди. Ўша китоб ҳақида, ўқиганлари ҳақида у билан дилдан суҳбатлашинг. Китоб ўқиш орқали унинг қалбида эзгулик уруғлари униб чиқади. Фарзанд инсон қалбининг кўзгусидир. Кўзгуга кулиб боқсангиз, у ҳам сизга кулиб боқади.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ**

Ўйлаб кўринг

# Боланинг руҳини туширманг

*Бола қалби гулдай нозик, пахтадек оқ. Унинг келгусида ҳам шундай соф, беғубор бўлиб қолиши эса биз — катталар, ота-оналарга боғлиқ. Афсуски, бола тарбияси зиммамиздаги ўта масъулиятли вазифа эканини ҳар доим ҳам ёдда тутавермаймиз. Кўпинча болаларимиз билан боғлиқ муҳим масалалардан кундалик ташвишларни устун қўйиб, фарзандимиз савол берганида уни койиймиз: «Майда гапларинг билан бошимни қотирмай тургин». Бироқ ўйлаб кўрайлик. Бугун биз тарбия бераётган ёш авлоднинг қизиқишлари, орзу-ўйлари эътибор қаратишга, вақт ажратишга арзимайдиган «майда гаплар»микан? Арзимасдек бўлиб кўринган масалалар аслида жуда катта аҳамият касб этишини унутиб қўймадикми?..*



Маҳалламиздаги болалар майдончаси ёнидан ўтиб кетаётиб, қўшни аёлнинг чамаси 12-13 яшар болани баланд овозда қарғаётганига гувоҳ бўлдим. Англашимча, аёлнинг қизчаси билан бу болакай уришиб қолган. Шу сабаб жаҳл отига минган жувон болани кўпчилик олдида изза қилди. Унинг: «Сен тарбия кўрмагансан-да, агар даданг бўлганида бунақа бебош бўлмасдинг. Ўзи сенларни даданг бекор ташлаб кетмаган экан», дегани ҳаммасидан ошиб тушди. Ахир отасининг ташлаб кетгани учун бола айбдор эмас-ку! У қандай гуноҳ қилиб улгурибдики, бундай таънага лойиқ кўрилса?! Шу гапдан сўнг унинг ранги оқариб кетди. Айбсизлигини исботлашга ҳарчанд уринмасин, аёл қизини оқлаб, тилига келган сўзни қайтармай жавради.

Шу тобда бировнинг фарзандини тарбиясизга йўйиб, ҳамманинг олдида отасизлигини юзига солаётган аёлга ачиниб кетдим. Нега дейсизми? Ахир, у фарзанд «тарбиялаяпти». Эртага унга ўхшаган маънан қашшоқ онанинг насиҳатларини қулоғига олиб улғайган болалардан нимани кутиш мумкин? Эркатой қизининг тантиқлигини деб бировнинг дилини оғритиш, қалбида алам уйғотиш инсофданми? Наҳот, ўзганинг фарзандини ҳақорат қилаётган аёл бугун ўтиб эртага ўз болаларининг бошига ҳам шундай ғам тушиши ҳеч гап эмаслиги ҳақида ўйлаб кўрмайди, жилла қурса...

* * *

— Ая, устозим эртанги дарсга кундалик дафтарингни, албатта, олиб кел, дедилар. Меники эса ҳалиям йў-ўқ. Синфимиздагилар ҳар куни баҳо олаяпти.

— Эртага ишдан қайтишда олиб келаман, ёдимдан кўтарилибди, болам.

— Ҳар куни эртага, эртага дейсиз. Энди мактабга бормайман. Яна ҳамманинг олдида гап эшитаманми?

— Вой, нега гап эшитаркансан, устозинг дафтарингга баҳо қўйиб тураверса бўлади-ку!

— Ойи, дафтаримдаги ҳуснихатимга «юлдузча» («аъло» демоқчи) олдим, яна бошқа «юлдузча»лар ҳам бор-да. Устоз ҳар куни мени мақтайдилар, агар кундалигинг бўлганида «беш»ларинг ҳамманикидан кўп бўларди, дейдилар. Кундалигим йўқлиги учун мактабгаям боргим келмаяпти.

Ёнгинамдан қизчасини етаклаб ўтаётган бу таниш жувоннинг беғамлиги, бефарқлиги менга эриш туюлди. Кундалик юмушлар, турмуш ташвишлари билан бўлиб, фарзандининг таълим олишига лоқайд қараётган, ҳатто мактаб қуролларини ўз вақтида олиб бермаган ота-оналарни кўрганда, беихтиёр болаларга ачинасан, киши. Тўғри, бу аёлнинг ўй-хаёли тирикчилик ташвишлари билан банддир. Бироқ унинг турмуш муаммоларига ўралашиб қолгани келажакда дилбандининг тақдирига дахл қилади-ку! Чунки бола таълим-тарбиясига эътиборсизлик, лоқайдлик мурғак қалб қизиқиш ва интилишининг сусайишига сабаб бўлиши аниқ.

Бундай ҳодисаларга сиз ҳам маҳаллангизда, кўча-кўйда гувоҳ бўлаётгандирсиз. Эҳтимол, улар сизга арзимасдек кўринар. Аммо ён-атрофимизда бўлаётган воқеликларга ҳеч биримиз бефарқ бўлмаслигимиз керак. Чунки «Маҳалланг — ҳам отанг, ҳам онанг», дейишади. Бу масканда улғайган ўғил-қизлар эртанги кунимизнинг ворислари, келажагимиз эгаларидир.

**Шоира ШОМУРОДОВА**

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

**Номоддий қадриятларимиз**



# Кўпкари-гаштаклар давом этади

**Улоқ ердан узилганини сезган дўнан учун чавандознинг "ҳа" дегани кифоя қилди. Бироқ юзлаб отлар тўдасини ёриб чиқиш осон эмас. От ақлли жонивор. Баъзан чавандоз илғамаган, англамаган вазиятларни у сезади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Қўранинг чап томонига чопаётган дўнан чавандознинг райига ҳам қарамай шиддат билан ўнгга бурилди. Отининг кутилмаган ҳаракатидан ранжиган чавандоз жаҳл аралаш жониворнинг сағрисига қамчи солди. Аммо от ўнг томонда пайдо бўлган холироқ тирқишга ўзини ураётганини англаб етгач, хатосини тушунди. Шу аснода отдаги важоҳат, куч-қувватни ўзида ҳам сезгандек чавандоз улоқни беихтиёр тақимига қаттиқроқ босаркан, жониворни ўз ихтиёрига қўйиб берди.**

Орадан бир неча сониялар ўтиб атрофда томоша қилаётган минглаб кишилар олқишига қоришиб баковулнинг овози эшитилди:

— Ўв, халойиқ, зот Мўмин чобағонда кетди. Холназар бобонинг дўнани ғолиб бўлди!

Ўша куни Холназар бобонинг дўнани уч марта зот айирди. Тўғри, бир кўпкарида тўрт-беш зот айирган отлар кўп бўлган. Бироқ Холназар бобонинг дўнани ҳали ёш, бор-йўғи иккинчи марта кўпкарига кириши эди.

Охирида кўпни кўрган кексалар Холназарбойга ҳам маслаҳат, ҳам дуо беришди.

— Кўпкари — элнинг ори, ғурури, — деди кекса чавандозлардан бири. — Кўз тегмасин, билиб парвариш қилинса, яхши ном чиқарадиган от бўладиган кўринади. Бироқ кўпкарига киришнинг ўзига хос расм-русуми, удумлари ҳам бор, Холназарбой. Энди, келаси ҳафта от учун би-и-ир гаштак берасиз. Кўпкари ҳам ҳалолнинг майдони. Унга янги кирган от учун "улоқ" бериш ота-боболаримиздан қолган удум.

Ўша куни Холназар бобо кўпкари-гаштак учун чавандозлардан фотиҳа олди.

Улуғ айём — Наврўз арафасида эса неварасига ният қилиб олган дўнан учун катта кўпкари берди. Бойсуннинг Газасида ўтган "улоқ"-да Сурхоннинг олис қишлоқларидан ҳам номдор чавандозлар келиб от суришди. Кўпкарининг овозасини эшитган бойсунлик борки, Газага қараб энаверди. Холназарбойнинг дўнани билан аввалги гал даврага тушиб, уч зот айирган Мўмин чопағон бу гал мусобақанинг бош баковули бўлди.

Ҳай, ўзбекнинг одатларидан айланай! Ҳеч қачон топганим ўзимники демаган. Неки топса эл билан, улус билан баҳам кўрган. Шундан бу элнинг тўйлари кўп, шундан бу элнинг ҳамма ҳавас қилгулик урф-одатлари, қадриятлари кўп. Биров ўғил кўриб ош беради, биров қиз кўриб. Биров иморат учун, яна биров шунчаки савоб учун ош беради. Ана қаранг, Холназар бобо невараси учун яхши ният қилиб от олди. Эр йигит бўлсин, элга қўшилсин, давраларнинг султони бўлсин, деди. Йигитга от мадор, деди.

— Одатимиз шундай, от учун кўпкари берасиз, — деди чавандозлар ҳам гувраниб.

— Одатларингдан айланай, элим, — деди Холназар бобо. — Бир кўпкари бўлса, мана мен бел бўлай.

Газанинг дарасини ларзага келтириб саҳардан оқшомгача улоқ берди Холназар бобо. Зот деганини аямади. Бир томони нордек-нордек ўғиллар, неваралар ҳам қараб туришмади. Бирови жонлиқ, бирови гилам кўтариб келаверди, кўрманага деб.

— Хўп ажаб замонларни кўрдик, — дейди меҳнат фахрийси Қурбон ака Турдимуродов. — Анча йиллар бурун ҳатто от сақлашни тақиқлаган пайтлар ҳам бўлди. Яккам-дуккам қишлоқларда қолганини демаса, ҳатто не-не довруғдор чавандозлар ҳам отсиз қолган замонлар эди ўшанда. От сақлаш, улоқ-кўпкари чопиш энг улуғ, қадим қадриятларимиздан эди-да. Шукрки, мустақиллик бизга кўпгина йўқотилган қадриятларимизни қайтариб берди. Қишлоқларни-ку қўя турай, туман марказининг ўзида кўпкарига кирадиган элликдан ортиқ зотдор отлар бор. Яна ҳам қувонарлиси, ёшларимиз, шаҳарда ўсган йигитлар миллий от спорти — кўпкари, улоқ билан қизиқиб қолишган. Мана, яна бир миллий одатимиз — кўпкарига кирган от учун гаштак-улоқ бериш кўп йиллардан буён унутилиб кетган эди. Айниқса, бугунги ёшлар, ҳатто ўрта ёш авлод вакиллари ҳам бу одатимиздан бехабар эдилар. Бугун Холназар бобо бераётган кўпкари-гаштак ушбу ажойиб удум қайта тиклангани, эл орасида урфга айланганини кўрсатиб турибди. Ўзим ҳам от ишқибозиман. Қора жайрон отим, худо хоҳласа, зот айиради, деб турибман-да...

Газа адирларида ўтган кўпкари-гаштакда зот айирмаган чавандоз қолмади ҳисоб. Кимдир рангли телевизор, кимгадир қимматбаҳо гилам... Кимдир "Холназарбойнинг оти ҳам қўрага кирсин, ўзини кўрсатсин", деди.

— Ўзим учун эмас, эл учун кўпкари бераяпман, — деди Холназар бобо, — зот оламан деб келган шери-мардлар ҳали кўп. Ҳаммасига ҳам кучини синаб кўришга имкон берайлик.

Шунда Мўмин чопағон бобонинг неварасини отга ўтказиб ўзи давра айлантирди. Яхши ният қилиб қўрага бирга кириб чиқди. Невара улғайиб, элга қўшилсин, юртнинг номдор чавандози бўлсин, дея оқ фотиҳа берди.

Оқшом Холназар бобо чопағон-чавандозларни уйига чорлаб ош берди. Шу кеч яна икки кишига гаштак учун фотиҳа беришди.

Демак, Алпомишнинг юрти — Бойсун даралари-да отлар кишнаши, чавандозлар ҳайқириғи-ю, кўпкарилар яна давом этади.

**Даврон ОРИПОВ**

**Спорт**

## "МИЛЛАТЛАР КУБОГИ" ЯКУНЛАНДИ

Тошкент вилоятида от спорти бўйича жаҳон кубогининг дастлабки саралаш босқичи – Марказий Осиё лигаси мусобақаси доирасида ўтказилган "Миллатлар кубоги" жамоавий беллашувларида Ўзбекистон терма жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Терма жамоамиз ғалабасига Иброҳим Йўлдошев, Умид Комилов, Аъзам Толибоев ва Ғайрат Назаров сингари чавандозларимиз катта ҳисса қўшдилар. Улар 135 сантиметр баландликдаги тўсиқлардан от сакратиб ўтиш бўйича барча рақибларини ортда қолдиришди. Иккинчи ўрин қирғизистонлик спортчиларга насиб этган бўлса, Қозоғистон терма жамоаси аъзолари учинчи ўрин билан кифояланди.

Жаҳон кубогининг навбатдаги босқичлари жорий йилнинг май ва июль ойларида ташкил этилади.

## САБИНА ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида ўсмирлар ўртасида ўтказилган анъанавий турнир ниҳоясига етди. Халқаро теннис федерацияси (ITF) тақвимига киритилган мусобақада дунёнинг ўндан зиёд мамлакатларидан келган истеъдодли спортчилар қатнашди.

16 ёшли истеъдодли теннисчимиз Сабина Шарипова турнирнинг яккалик ва жуфтлик беллашувларида муваффақиятли иштирок этиб, ўзбекистонлик мухлису мутахассисларни хушнуд этди. Яккаликлар ўртасида биринчи рақамда сараланган теннисчимиз финалгача Юлия Александрова, Алена Карпова, Анастасия Шестакова ва Анна Шкудунларни мағлубиятга учратди. Финал учрашувида эса Сабина россиялик Варвара Флинкга қарши кортга чиқди. Россиялик теннисчи ҳамюртимизга фақат биринчи сетда жиддий қаршилик кўрсата олди. Шундай бўлса-да, дастлабки сетни 7:6 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган Сабина кейингисида 6:2 ҳисобида зафар қучиб, бош совринга сазовор бўлди.

Жуфтлик беллашувларида АҚШлик Елизавета Анна Немчинов билан ҳамкорликда ўйнаган Сабина Шарипова барча учрашувларда зафар қучди.

## ТЕМУР КУЧЛИЛАР ОРАСИДА

Жанубий Кореянинг «Кей» лигаси расмий сайти футбол бўйича мамлакат чемпионати 5-турининг энг яхши футболчиси ва рамзий терма жамоасини эълон қилди. Унга кўра, «Поханг Стилерз» жамоаси дарвозабони Хван Чжин Сон энг яхши футболчи деб топилди.

Биз учун эътиборли томони, «Инчхон» клуби таркибида ўйнаётган футболчимиз Темур Копадзенинг ҳам рамзий терма жамоа сафига киритилганидир. Ҳамюртимиз «Поханг Стилерз» жамоасига қарши кечган 5-тур беллашувида майдонга тушиб, рақиблар дарвозасига гол киритишга муваффақ бўлди.

Умид қиламизки, футболчимиз бундан кейин янада ёрқинроқ ўз маҳоратини кўрсатиб, барчанинг ишончини оқлайди.

## ШАРАПОВА РЎЙХАТДА ЙЎҚ

Теннис бўйича Россия терма жамоасининг сардори Шамил Тарпишев Федерация кубоги баҳслари доирасидан ўрин олган Италия терма жамоасига қарши бўладиган ярим финал учрашувида қатнашадиган ракетка усталари сафига тажрибали спортчи Мария Шараповани киритмади.



Россия теннис федерацияси матбуот хизмати тарқатган хабарга кўра, терма жамоа аъзолари рўйхатидан Вера Звонарева, Светлана Кузнецова, Анастасия Павлюченкова ва Екатерина Макаровалар ўрин олган.

Эслатиб ўтамиз, мазкур беллашув жорий йилнинг 16-17 апрель кунлари Москвада бўлиб ўтади.




**Риводят**

# Бир бор экан...

...Бир йўқ экан, қачонлардир Ер сайёрасининг қаеридадир бир орол бўлган экан. Бу оролда инсоний ҳис-туйғулар ва фазилатлар яшаган экан.

Бир куни Зерикиш нима қиларини билмай эснаб турса, Телбалик:

— Келинглар, бекинмачоқ ўйнаймиз! — дебди.

Фитна бўлса қошини салгина кўтариб:

— Бекинмачоқ? У қандай ўйин бўлди ўзи? — деб сўрабди.

Телбалик бекинмачоқ ўйини қандай бўлишини тушунтирибди. Ҳамма рози бўлибди. Фақатгина ҳеч нарсага қизиқмайдиган Лоқайдлик ўйинда қатнашишдан бош тортибди. Ҳақиқат эса бекинмасликни афзал билибди. Чунки уни ҳар доим топиб олишаркан. Қўрқоқлик ўз ҳаётини хавф-хатарга қўйишни хоҳламабди. Шундай қилиб, бекинмачоқ ўйини бошланибди.

Телбалик юзгача санайдиган ва ҳаммани излаб топадиган бўлибди. Биринчи бўлиб Дангасалик бекинибди. У яқинроқда жойлашган тошнинг тагига яширинибди. Ишонч бўлса осмонга кўтарилибди. Ҳасад соялар панасига яширинибди. Зафар энг баланд дарахтнинг учига чиқиб олибди. Гўзаллик эса шаффоф кўлнинг тубига шўнғибди. Қўрқув дарахтнинг ковагига кирибди. Шамолнинг эсишида Эркинлик макон топибди. Худбинлик ўзига қулай жойга жойлашибди. Ёлғон уммоннинг тубига тушибди. Эҳтирос ва истак вулқоннинг оғзига бекинишибди. Паришонхотирликнинг қаерга яширинганини ҳеч ким эслай олмабди. Фақатгина Муҳаббат қаерга бекинишни билмабди. У ўйлай-ўйлай атиргул буталари орасига яширинишга қарор қилибди.

Телбалик излаб-излаб ҳаммани топибди. У Муҳаббатни қидириб, гул шохларини икки томонга очганида, атиргулнинг ўткир тиканлари Муҳаббатнинг кўзига кириб кетибди. Шундан бери Муҳаббатнинг кўзлари кўр, Телбалик эса уни қўлидан тутиб юрар экан.

**Лобар РАҲИМЖОНОВА**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Аҳмаджон Бузруковга падари бузруквори

**АЪЗАМХОН ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ

1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Қашқадарё — 8-375-357-75-10
Сурхондарё — 8-376-396-30-59
Фарғона — 8-373-215-80-58
Хоразм — 8-362-291-48-44
Навоий — 8-436-742-78-70

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фозил ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.40

® — тижорат белгиси.

Адади: 8607 Буюртма — Г-426 1 2 3 5